

## XIV. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига республика доимий аҳолиси сони 32763,7 минг кишини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 107,0 минг кишига ёки 0,3 % га ўсди.

Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 16583,0 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 50,6 %), қишлоқ аҳолиси сони 16180,7 минг кишини (49,4 %) ташкил этди.


### Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича 2018 йил 1 апрель ҳолатига доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот

|                                    | Доимий аҳоли сони,<br>минг киши |                 |                 | Доимий аҳоли сонининг<br>ўсиш суръати, % |              |              |
|------------------------------------|---------------------------------|-----------------|-----------------|--|--------------|--------------|
|                                    | Жами                            | шу жумладан:    |                 | Жами                                     | шу жумладан: |              |
|                                    |                                 | шаҳар           | қишлоқ          |  | шаҳар        | қишлоқ       |
| <b>Ўзбекистон<br/>Республикаси</b> | <b>32 763,7</b>                 | <b>16 583,0</b> | <b>16 180,7</b> | <b>101,7</b>                             | <b>101,5</b> | <b>101,9</b> |
| Қорақалпоғистон<br>Республикаси    | 1 847,6                         | 908,1           | 939,5           | 101,4                                    | 101,2        | 101,5        |
| <i>вилоятлар:</i>                  |                                 |                 |                 |  |              |              |
| Андижон                            | 3 020,6                         | 1 580,4         | 1 440,2         | 101,7                                    | 101,5        | 101,8        |
| Бухоро                             | 1 874,7                         | 699,6           | 1 175,1         | 101,4                                    | 100,9        | 101,7        |
| Жиззах                             | 1 329,9                         | 624,3           | 705,6           | 101,8                                    | 101,7        | 102,0        |
| Қашқадарё                          | 3 159,9                         | 1 361,9         | 1 798,0         | 101,9                                    | 101,9        | 102,0        |
| Навоий                             | 961,3                           | 469,0           | 492,3           | 101,6                                    | 101,4        | 101,9        |
| Наманган                           | 2 708,6                         | 1 749,3         | 959,3           | 101,8                                    | 101,6        | 102,1        |
| Самарқанд                          | 3 733,7                         | 1 394,6         | 2 339,1         | 101,9                                    | 101,4        | 102,3        |
| Сурхондарё                         | 2 524,5                         | 896,6           | 1 627,9         | 102,1                                    | 101,8        | 102,3        |
| Сирдарё                            | 818,4                           | 350,7           | 467,7           | 101,6                                    | 101,2        | 101,9        |
| Тошкент                            | 2 867,5                         | 1 414,3         | 1 453,2         | 101,1                                    | 101,0        | 101,3        |
| Фарғона                            | 3 631,0                         | 2 055,6         | 1 575,4         | 101,6                                    | 101,4        | 101,8        |
| Хоразм                             | 1 810,1                         | 602,7           | 1 207,4         | 101,6                                    | 101,3        | 101,7        |
| Тошкент шаҳри                      | 2 475,9                         | 2 475,9         | х               | 101,8                                    | 101,8        | х            |

Республика ҳудудлари кесимида 2018 йил 1 апрель ҳолатига энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3733,7 минг кишини (республика аҳоли сонигаги улуши 11,4 %), Фарғона вилоятида 3631,0 минг кишини (11,1 %), Қашқадарё вилоятида

3159,9 минг кишини (9,6 %) ва Андижон вилоятида 3020,6 минг кишини (9,2 %) ташкил этди.

**Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши**  
(2018 йил 1 апрель ҳолатига республика жами аҳолисига нисбатан, % да)




**Республикада аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари  
ва коэффициентлари  
(январь-март)**

| Кўрсаткичлар                           | Минг киши |          | 1000 аҳолига нисбатан |                   |
|--|-----------|----------|-----------------------|-------------------|
|  | 2017 йил  | 2018 йил | 2017 йил              | 2018 йил          |
| Туғилганлар                            | 145,4     | 147,0    | 18,3                  | 18,2              |
| Ўлганлар                               | 39,3      | 37,8     | 5,0                   | 4,7               |
| шу жумладан: 1 ёшгача<br>ўлган болалар | 1,9       | 1,7      | 10,7 <sup>1)</sup>    | 9,5 <sup>1)</sup> |
| Никох, минг                            | 48,5      | 52,1     | 6,1                   | 6,5               |
| Ажрим, минг                            | 7,9       | 8,1      | 1,0                   | 1,0               |

**Туғилиш.** 2018 йил январь-март ойларида 147,0 мингта бола туғилганлиги қайд этилган бўлиб, 2017 йилнинг мос даврига ( 145,4 минг бола) нисбатан 1,6 минг болага кўпайди, туғилиш коэффициенти 18,2 промиллени ташкил этди.

**Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари  
(2018 йил январь-март, 1000 аҳолига, промилле)**



<sup>1)</sup> 1000 туғилганга

Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада пасайиши Сирдарё (19,5 промилледан 18,0 промиллега), Хоразм (16,9 промилледан 16,1 промиллега), Андижон (18,5 промилледан 17,8 промиллега), Сурхондарё (22,2 промилледан 21,5 промиллега), Фарғона (17,7 промилледан 17,0 промиллега) ва Жиззах (20,7 промилледан 20,1 промиллега) вилоятларида қайд этилди.


Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Тошкент шаҳрида (15,7 промилледан 16,6 промиллега), Самарқанд (18,9 промилледан 20,1 промиллега) ва Навоий (16,8 промилледан 17,5 промиллега) вилоятларида қайд этилди.

Шу билан бирга, туғилиш коэффициентининг юқори даражаси Сурхондарё (21,5 промилле), Қашқадарё (20,2 промилле), Жиззах ва Самарқанд (20,1 промилле) вилоятларида кузатилди.

2018 йилнинг январь-мартда туғилганларнинг туғилиш тартиби бўйича 32,1 % и биринчи болага (2017 йил январь-март ойларида - 32,8 %), 36,8 % и иккинчи болага (2017 йил январь-март ойларида - 36,7 %), 31,1 % и учинчи ва ундан кўп болага (2017 йил январь-март ойларида - 30,5 %) тўғри келди.

### Туғилганларнинг туғилиш тартиби бўйича тақсимланиши

(% да)



**Ўлим.** 2018 йил январь-март ойларида ўлганлар сони 37,8 минг кишини ташкил этиб, 2017 йил январь-март ойларида нисбатан (39,3 минг киши) 1,5 минг кишига камайди, мос равишда ўлим коэффиценти 4,7 промиллени ташкил этди (2017 йил январь-мартда - 5,0 промилле бўлган).


Ўлим коэффиценти сезиларли даражада ўсиши Тошкент вилояти (5,6 дан 6,1 промиллега) ва Тошкент шаҳрида (6,9 дан 7,0 промиллега) кузатилди.

Ўлим коэффиценти паст даражаси Жиззах, Хоразм (4,0 промилле), Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё (4,1 промилле) вилоятларида қайд этилди.

Рўйхатга олинган жами ўлганларнинг 62,4 % и қон айланиш тизими касалликларидан, 9,0 % и ўсимталардан, 5,5 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари

касалликларидан, 5,2 % и бахтсиз ходиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 4,3 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 1,6 % и юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 12,0 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

**Ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши**  
(жами вафот этганларга нисбатан),%



Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-декабрь ойларида 1 ёшгача болалар ўлими 1,7 минг нафарни ташкил этди. Гўдақлар ўлими коэффиценти 9,5 промиллени (2017 йил январь-декабрда - 10,7 промилле бўлган) ташкил этди.

Гўдақлар ўлими коэффицентининг юқори даражаси Қорақалпоғистон Республикасида 19,3 (1000 тирик туғилганга), Тошкент шаҳрида 13,3, Андижон 14,8, Хоразм 10,5, Наманган 10,0, ва Сурхондарё 9,8 вилоятлари ва кузатилди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами ўлган болаларнинг 59,2 % и перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 17,2 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 13,6 % и туғма аномалиялардан, 2,0 % и юқумли ва паразитар касалликлардан, 2,7 % и бахтсиз ходиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 0,3 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 5,0 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

Бундан ташқари, 2017 йилнинг январь-март ойларида дастлабки маълумотларга кўра 39 та оналар ўлими ҳодисаси қайд этилиб, оналар ўлими коэффиценти эса 26,5 ни (100 минг тирик туғилганга) ташкил этди.


Оналар ўлими коэффицентининг юқори даражаси Қорақалпоғистон Республикасида 50,5 (100 минг тирик туғилганга), Тошкент шаҳрида 49,5, Жиззах 45,6, Тошкент 42,6 ва Самарқанд 32,5 вилоятларида қайд этилди.

Жами вафот этганларнинг 6,7 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагиларга (2017 йилнинг январь - мартда – 7,7 %), 24,4 % и - меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга (2017 йилнинг январь - мартда – 25,7 %), 68,9 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар (2017 йилнинг январь - мартда – 66,9 %) ҳиссасига тўғри келди.

Вафот этганларнинг асосий қисми, яъни 68,9 % ини меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдаги аҳоли ташкил этган.

### Ўлганларнинг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши


(жами вафот этганларга нисбатан), %



**Никоҳ ва ажримлар.** 2018 йилнинг январь-март ойларида ФХДЁ органлари томонидан 52,1 мингта никоҳ ва 8,1 мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффиценти 6,5 промиллени (2017 йил январь-мартда - 6,1 промилле бўлган) ва никоҳдан ажралиш коэффиценти 1,0 промиллени (2017 йил январь-мартда - 1,0 промилле бўлган) ташкил этди.

## Никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралишлар коэффицентлари

(2018 йил январь-март, 1000 аҳолига, промилле)



Никоҳ тузиш коэффицентининг сезиларли даражада ўсиши Қорақалпоғистон Республикаси (8,4 дан 9,2 промиллега), Сирдарё (4,8 дан 5,6 промиллега), Фарғона (5,3 дан 6,1 промиллега), Андижон (5,3 дан 6,0 промиллега), Жиззах (4,7 дан 5,2 промиллега) ва Хоразм (12,0 дан 12,5 промиллега) вилоятларида кузатилди.

**Никоҳ ва ажримлар сони**  
(январь-мартда), минг.бирлик.

|                                | <i>Никоҳлар</i> |                | <i>Ажримлар</i> |                |
|--------------------------------|-----------------|----------------|-----------------|----------------|
|                                | <i>2017 й.</i>  | <i>2018 й.</i> | <i>2017 й.</i>  | <i>2018 й.</i> |
| <b>Ўзбекистон Республикаси</b> | <b>48,5</b>     | <b>52,1</b>    | <b>7,9</b>      | <b>8,1</b>     |
| Қорақалпоғистон Республикаси   | 3,7             | 4,2            | 0,3             | 0,3            |
| <i>вилоятлар:</i>              |                 |                |                 |                |
| Андижон                        | 3,9             | 4,4            | 0,8             | 0,9            |
| Бухоро                         | 3,4             | 3,4            | 0,5             | 0,4            |
| Жиззах                         | 1,5             | 1,7            | 0,3             | 0,3            |
| Қашқадарё                      | 4,3             | 4,5            | 0,5             | 0,6            |
| Навоий                         | 1,1             | 1,2            | 0,3             | 0,2            |
| Наманган                       | 3,2             | 3,2            | 0,5             | 0,6            |
| Самарқанд                      | 5,9             | 6,0            | 0,9             | 0,9            |
| Сурхондарё                     | 4,1             | 4,4            | 0,4             | 0,5            |
| Сирдарё                        | 0,9             | 1,1            | 0,3             | 0,3            |
| Тошкент                        | 3,6             | 3,9            | 0,9             | 0,9            |
| Фарғона                        | 4,7             | 5,4            | 0,9             | 0,9            |
| Хоразм                         | 5,3             | 5,6            | 0,4             | 0,3            |
| Тошкент ш.                     | 2,9             | 3,1            | 0,9             | 1,0            |

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-март ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 45,1 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 47,3 минг кишини ташкил этди.

Шунга мувофиқ, миграция сальдоси минус 2,2 минг кишини ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврида минус 4,4 минг кишини ташкил этган.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент (минус 1,1), Бухоро (минус 0,8) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (минус 0,7) қайд этилди.

Миграция сальдоси ижобий даражаси Тошкент шаҳрида (плюс 5,1) ва Навоий вилоятида (плюс 0,1) кузатилди.



**Аҳоли миграцияси (январь-март)**

*(минг киши)*

|                                | <i>Келиш</i>   |                | <i>Кетиш</i>   |                | <i>Миграция сальдоси</i> |                |
|--------------------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|--------------------------|----------------|
|                                | <i>2017 й.</i> | <i>2018 й.</i> | <i>2017 й.</i> | <i>2018 й.</i> | <i>2017 й.</i>           | <i>2018 й.</i> |
| <b>Ўзбекистон Республикаси</b> | <b>41,8</b>    | <b>45,1</b>    | <b>46,2</b>    | <b>47,3</b>    | <b>-4,4</b>              | <b>-2,2</b>    |
| Қорақалпоғистон Республикаси   | 3,3            | 3,1            | 4,3            | 3,8            | -1,0                     | -0,7           |
| <i>вилоятлар:</i>              |                |                |                |                |                          |                |
| Андижон                        | 1,9            | 1,9            | 2,4            | 2,4            | -0,5                     | -0,5           |
| Бухоро                         | 1,6            | 1,6            | 2,2            | 2,4            | -0,6                     | -0,8           |
| Жиззах                         | 2,6            | 3,0            | 2,8            | 3,3            | -0,2                     | -0,3           |
| Қашқадарё                      | 2,7            | 3,4            | 3,3            | 4,5            | -0,6                     | -1,1           |
| Навоий                         | 3,8            | 3,3            | 3,7            | 3,2            | 0,1                      | 0,1            |
| Наманган                       | 1,1            | 1,2            | 1,4            | 1,7            | -0,3                     | -0,5           |
| Самарқанд                      | 2,6            | 3,6            | 3,9            | 4,7            | -1,3                     | -1,1           |
| Сурхондарё                     | 3,3            | 4,1            | 3,7            | 4,5            | -0,4                     | -0,4           |
| Сирдарё                        | 2,3            | 2,4            | 2,5            | 2,6            | -0,2                     | -0,2           |
| Тошкент                        | 5,0            | 4,6            | 6,8            | 5,7            | -1,8                     | -1,1           |
| Фарғона                        | 3,8            | 3,7            | 4,2            | 4,2            | -0,4                     | -0,5           |
| Хоразм                         | 2,2            | 2,0            | 2,4            | 2,2            | -0,2                     | -0,2           |
| Тошкент ш.                     | 5,6            | 7,2            | 2,6            | 2,1            | 3,0                      | 5,1            |

Шунингдек, дастлабки маълумотларга кўра 2018 йил январь-март ойларида Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан доимий яшаш учун кўчиб келганлар сони 0,6 минг кишини, Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар сони эса 2,8 минг кишини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Тожикистон Республикаси (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан 31,8 %), Қозоғистон Республикаси (30,8 %) ва Россия Федерацияси (28,5 %) ҳиссаларига тўғри келди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами хорижга кўчиб кетганларга нисбатан 47,2 %) ва Россия Федерацияси (46,0 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.